

Шахло БЕГМАТОВА

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимининг моҳияти, элементлари, хусусиятлари, муаммолари ва уларни ҳал этиш масалалари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари ёритилган. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларга оид солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар турлари, қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш, дивидендларни солиққа тортиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда солиқ имтиёзлари.

TAXATION OF TRANSACTIONS RELATED TO SECURITIES: CHARACTERISTICS AND CURRENT PROBLEMS

Abstract: The article examines the essence, elements, characteristics, problems and issues of solving the system of taxation of transactions related to securities in the Republic of Uzbekistan. The directions for improving the system of taxation of operations related to securities are highlighted in the country's socio-economic development prospects. Possibilities of improving the tax administration of transactions related to securities have been studied and recommendations have been developed.

Key words: securities, types of securities, securities market, transactions related to securities, taxation of transactions related to securities, taxation of dividends, tax benefits in transactions related to securities.

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизда қулай бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш баробарида қимматли қоғозлар бозори соҳасини ҳам кенг ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган.

Қимматли қоғозлар бозори соҳаси ривожланаётган соҳа бўлганлиги сабабли уни тартибга солишнинг ўзига хос механизмларини жорий этишни талаб қилмоқда ва бу борада, аввало, ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда қимматли қоғозлар билан бозори билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ҳамда ушбу соҳа ривожини солиқлар ёрдамида рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришда фонд бозорининг ролини кучайтириш қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва инвесторлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Солиқлар қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари учун солиққа тортиш муаммоларини ҳал қилиш жуда муҳим, чунки уларнинг фаолиятини фаоллаштириш бевосита солиқ юкининг умумий ҳажмига ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг изчиллигига боғлиқ. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1] да «аҳолининг молия бозоридаги иштирокини рағбатлантириш лозимлиги алоҳида белгилаб кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларида 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операция жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [2]. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни солиққа тортиш тизимини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Жаҳон амалиётида қимматли қоғозлар бозори ривожланиши натижасида мазкур фаолиятнинг мамлакатлараро шакли оммалашиб, бир мамлакат тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали бошқа мамлакат истеъмолчиларига инвестиция киритиш оддий ҳолатга айланиб бормоқда, ушбу жараёнларни тартибга солиш, уларни солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар шаклида тадбиркорликни амалга ошираётган субъектларнинг даромадларини аниқлаш, уларни ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, иккиёқлама солиққа тортишни олдини олиш, унга нисбатан тўғри солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда ушбу соҳанинг ривожланиш даражаси турли мамлакатларда турлича бўлганлиги, унга нисбатан қўлланилаётган солиққа тортиш механизмлари ушбу мамлакат даромадларини шакллантириш нуктаи-назаридан ишлаб чиқилганлиги ва

унинг турлича эканлигига доир масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қимматли қоғозлар тараққиёти масалалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг доимий равишда диққат марказида бўлиб келаётган масалалардан биридир, чунки жаҳонда мазкур операциялар анчадан буён мунтазам равишда амалга оширилиб келмоқда.

Хорижий олимлардан J.Madura ўз тадқиқот ишларида молия бозорининг турли инструментлари асосида фонд бозорини ривожлантиришга эътибор қаратган ва тадқиқот натижаларидан ривожланган давлатларда фонд бозори активлари сони тобора ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин [4]. Ф.Мишкин ва С.Якинслар тадқиқот ишларида жаҳон иқтисодиётида фонд бозорининг аҳамияти ва роли борган сари ошиб бораётган бир вақтда молиявий инструментлар ҳажми ҳам ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, фонд бозори активлари қўлланиш хусусиятлари билан бирга, уларни муомаласини тартибга солиш масалалари ҳам кенг тадқиқ ва таҳлил қилинган [5].

Б.Рубцов томонидан замонавий фонд бозорлари тадқиқ қилинган бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган фонд бозорларининг ривожланиш хусусиятлари, уларда қўлланилаётган қимматли қоғозлар турлари атрофлича ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин [6].

Маҳаллий олимлардан И.Бутиков томонидан қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишларига қаратилган катор тадқиқот ишлари эълон қилинган. Бунда миллий фонд бозорида мавжуд активлар, эмитентлар таркиби ва фаоллиги, қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан фойдаланиш ва унга таъсир кўрсатаётган омиллар, давлат улушининг юқорилиги ва бу улушни хусусийлаштиришга қаратилган мулоҳазаларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим [7].

Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жал қилишни ривожлантириш йўллари масалалари А.Одилов томонидан тадқиқ қилинган [8]. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини такомиллаштиришга қаратилган масалалар Ф.Мухамедов томонидан тадқиқ қилинган [9]. А.Бозоров томонидан реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга оид [10]. Қ.Чинқулов томонидан эса акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштиришга оид [11], Х.Худойқулов томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида

акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар амалга оширилган [12].

Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорларида замонавий ўзгаришлари шароитларига нисбатан солиққа тортишнинг трансформациялашуви вариантлари хорижий тадқиқотчилар - А.В. Бризгалин, Л.И. Гончаренко, Г.А. Горина, И.В. Горский, Р. Дорнбуш, Р. Дернберг, В.А. Кашин, И.В. Караваева, В.Г. Князев, Э.И. Куликова, В.Г. Пансков, С.Г. Пепеляев, И.А. Перонко, С.Ф. Сутырин, С. Фишер, Д.Г. Черник ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

О.Беломытцева ўз тадқиқот ишида қимматли қоғозлар бозорида хусусий инвесторлар учун солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг методологик масалаларини ёритган [13].

С.Пробин ўз тадқиқот ишида биржа ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида фойда солиғи бўйича солиқ базасини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш механизмининг янгилаш масалаларини тадқиқ этган [14].

А.Голояд томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортишнинг хориж тажрибалари тадқиқ қилинган бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимининг ривожланиш хусусиятлари, уларда қўлланилаётган самарали восита ва усуллар атрофлича ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин [15].

Солиқлар назарияси ва қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш амалиёти бўйича кўплаб фундаментал ишларга қарамасдан, бизнинг фикримизча, инвестицияларни солиқ билан тартибга солишнинг услубий ва ҳуқуқий асосларини, фонд бозорининг ҳозирги замон ривожланиш шартларига нисбатан қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш механизмининг кўриб чиқадиган ишлар этарли эмас.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришда фонд бозорининг ролини кучайтириш қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва инвесторлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Солиқлар қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари учун солиққа тортиш муаммоларини ҳал қилиш жуда муҳим, чунки уларнинг фаолиятини фаоллаштириш бевосита солиқ юкининг умумий ҳажмига ва амалдаги солиқ қонунчилиги нормаларининг изчиллигига боғлиқ.

Солиқ қонунчилигида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 49-моддасига кўра, қимматли қоғозлар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган, дивидендлар ёки фойизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган пул ҳужжатларидир.

Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан ҳозирда қимматли қоғозларнинг бир қанча турлари мавжуд (1-расм)



1-расм. Қимматли қоғозлар турлари [3, 49-модда]¹

Акция (франц. action - фармойиш; рухсатнома, фаолият) - акциядор жамият чиқарган қимматбаҳо қоғоз. Ўз эгасининг акциядорлар жамияти капиталида ҳиссаси борлигини ва шунга мувофиқ, топилган фойданинг бир қисмини дивиденд шаклида олишини, уни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Акция қимматли қоғозларнинг кенг тарқалган қисми, ҳиссабай (улушли) қоғозлар туркумига киради. Акция

¹ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси (2024)ю 49-моддасига асосан муаллиф ишланмаси

чиқарган жамият эммитент, уни сотиб олганлар эсаинвесторлар деб аталади. Акция дастлаб эммитент томонидан бирламчи бозорда сотилади, сўнгра у иккиламчи бозорда (фонд бозорида) қайтадан олди-сотди этилади. Акция бевосита эммитент ёки воситачилар томонидан сотилади[16].

Облигация (лот. obligatio — мажбурият) — қийматига нисбатан эгасига қатъий белгиланган даромад келтирувчи қимматли қоғоз, қарзни қайтариб бериш ва фоиз тўлашни тасдиқловчи мажбуриятнома. Фонд биржаларида сотилади. Облигация аҳоли, корхона ва ташкилотлар кўлидаги пул маблағларини тўплаб, бирор мақсад йўлида сафарбар этиш учун чиқарилади. Облигация, асосан, давлат, маҳаллий ва корпорация О. ларига бўлинади. Даромад давлат томонидан чиқариладиган Облигация бўйича ютуқ, компаниялар Облигация ларига фоиз шаклида тўланади. Облигация уюштирилган савдо орқали (биржаларда) ва эркин жойлаштирилади. Облигация моддий ёки пул маблағи эвазига кафолатланган ёки кафолатланмаган, яъни Облигация чиқарувчиларнинг чин сўзи ва обрўси билан таъминланган ёки таъминланмаган бўлиши мумкин. Баъзи Облигациялар конвертирланади (О. эгаси уни бошқа Облигацияга алмаштириб олиш ҳуқуқига эга бўлади). Облигациянинг бозор нархи унинг номиналидан юқори ёки паст бўлади[16].

Вексель (нем. Wechsel — айирбошлаш) — кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган қарздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз. У универсал тўлов, кредит ва ҳисоб воситаси бўлиб, халқаро савдода тўлов мажбурияти; қисқа муддатли (6 ой) тижорат-кредит воситаси; банклараро узоқ муддатли муносабатларни шакллантирувчи восита; банклардан ссуда олиш учун гаров (шунингдек тижорат банки марказий банкдан ссуда олишда берадиган гаров) тарзида кенг қўлланилади. Вексельнинг асосан оддий Вексель (қарздор томонидан муайян суммани белгиланган муддатда қайтариш ҳақида қарз берувчи олдидаги мажбурият), ўтказма Вексель (қарз берувчининг қарзни Вексельни тақдим этувчига ёки ҳужжатда кўрсатилган шахсга тўлаш ҳақидаги буйруғи), хазина В. (ўз харажатларини қоплаш учун давлат томонидан чиқарилади), молия В. (бир банк бошқа банкка қарз пули олиш учун беради), тижорат В. (товар эгасига гаров тарзида берилади) ва б. турлари бор[16].

Депозит сертификати - банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз [17].

Облигация, вексел ва депозит сертификати – қарз қимматли қоғозлар туркумига киради.

Эғалик ҳуқуқи асосидаги қимматли қоғозлар (ҳосилавий молиявий инструментлар)га қуйидагилар киради:

Депозитар тилхатлар - номинал қийматга эга бўлмаган қимматли қоғоз бўлиб, у тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлайди ва унинг эгасининг ушбу қимматли қоғоз эмитентидан депозитар тилхат ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олишини ҳамда тақдим этиладиган қимматли қоғозлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг депозитар тилхат эгаси томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди[17].

Опцион - эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди[17].

Фьючерс (лот. Futurus - келажак) - товар ёки фонд биржаларида хом ашё товарлари, олтин, валюта, қимматли қоғозларни ҳоз. амалда бўлган нархларда, лекин етказиб бериш ва ҳақини кейинги келишилган муддатларга қолдириш билан олди сотди қилиш бўйича битишувлар[16].

Форвард (инг. forward - олдиндан, олдинги) - валюта ёки бошқа турдаги битим тузилган вақтдан 2 иш куни ўтгач, бажариладиган ҳисоб-китоб амали. Одатда, Форвард битимлари банклар, савдосаноат фирмалари томонидан нархлар, валюта курслари ўзгаришлари тебранишларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларга йўл қўймаслик мақсадларида тузилади[16].

Қимматли қоғозларни эмиссиявий қимматли қоғозлар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилиги билан белгиланади.

Қимматли қоғозлар билан операцияларининг таркибий хусусиятларини бир нечта асосий жиҳатлар орқали кўриб чиқиш мумкин:

1. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари вазифалари:

-инвестиция операциялари: даромад олиш учун қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш (валюта курси фарқидан ҳам, дивидендлар ёки купонлардан ҳам);

-андеррайтинг: қимматли қоғозларнинг янги нашрларини бозорга чиқаришда ёрдам бериш;

-брокерлик хизматлари: қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш бўйича битимларда воситачилик қилиш;

-депозит хизматлари: қимматли қоғозларни сақлаш ва ҳисобга олиш.

2. Хатарларни бошқариш:

-қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда бозор хавфини, кредит хавфини ва ликвидлигини баҳолаш;

-мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш учун хеджлашни қўллаш.

3. Нормаларни тартибга солиш ва уларга риоя қилиш:

-қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги (масалан, ошкор қилиш талаблари);

-банкнинг ички тартибга солиш нормаларига риоя қилиш.

4. Инвестиция портфелининг стратегиялари:

-хатарларни камайтириш учун активларни диверсификация қилиш;

-бозор ҳолатига қараб портфелни фаол ёки пасив бошқариш.

5. Таҳлил ва баҳолаш:

-инвестиция қарорларини қабул қилиш учун бозор ва индивидуал эмитентларни таҳлил қилиш;

-қимматли қоғозлар қийматини баҳолашнинг турли усулларида фойдаланиш (пул оқимларини дисконтлаш, мультипликаторлар).

Ушбу таркибий хусусиятлар қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни самарали бошқаришда ва ўзлари ва ҳар қайси иштирокчи учун барқарор даромад келтиришда ёрдам беради

Агар қимматли қоғозлар билан бажариладиган операция муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар мезонларига мувофиқ бўлса, солиқ тўловчи уни мустақил равишда солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар жумласига ёки муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар жумласига киритишга ҳақли.

Солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар (муомаладаги қимматли қоғозлар) деб эътироф этилади:

-улар қимматли қоғозлар савдоларининг ҳеч бўлмаганда битта ташкилотчиси томонидан муомалага киритилган бўлса;

-уларнинг нархлари (котировкалари) тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ҳар қандай манфаатдор шахсга қимматли қоғозларга доир операциялар амалга оширилган санадан эътиборан уч йил ичида берилиши мумкин бўлса;

-солиқ тўловчи бу қимматли қоғозларга доир битимни тузган санадан эътиборан ўтган кетма-кет уч ой ичида улар бўйича ҳеч бўлмаганда бир марта бозор котировкаси ҳисоблаб чиқарилган бўлса (бундан қимматли қоғозларни

бирламчи жойлаштириш чоғидаги бозор котировкасининг ҳисоб-китоби мустасно).

Реал базисга эквивалент бўлган қимматли қоғозлар ёрдамида молия бозори орқали самарали инвестицион ва трансфер (тўлов) жараёнлари, иқтисодий субъектларининг мақсадли ва тартиблаштирилган иқтисодий-ҳуқуқий бозор муносабатлари амалга оширилади[10].

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш самарали тизими яратилиши унинг ривожланиш истиқболларида ҳам муҳим рол ўйнайди, бозорнинг адолатли ва самарали ишлашини таъминлайди ва даромад келтиради. Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш тамойилларини тушуниш инвесторлар ва бозор иштирокчилари учун қоидаларга риоя қилиш ва молиявий стратегияларини оптималлаштириш учун жуда муҳимдир.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш мураккаб ва ривожланаётган соҳа бўлиб, инвесторлар, ҳукуматлар ва назорат қилувчи органлар учун қийинчиликлар туғдиради. Солиқлардан қочиш, трансчегаравий операциялар ва тартибга солишнинг номувофиқлиги каби муаммолар молиявий бозорларда самарасизлик ва бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларни адолатли ва самарали солиққа тортишни таъминлаш учун ушбу муаммоларни тушуниш ва самарали ечимларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар

1. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш молиявий тизимнинг зарур таркибий қисми бўлиб, даромад олиш ва бозор барқарорлиги мақсадларига хизмат қилади.

2. Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш тамойилларини тушуниш инвесторлар учун солиқ қоидаларининг мураккаблигини йўлга қўйиш ва инвестиция стратегияларини оптималлаштириш учун жуда муҳимдир. Солиқ қонунлари ва тамойилларига риоя қилиш орқали инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида риоя этилишини таъминлаши, рискларни камайтириши ва солиқдан кейинги даромадларини максимал даражада ошириши мумкин.

3. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишдаги муаммолар солиқдан қочиш, трансчегаравий мураккабликлар, тартибга солишдаги номувофиқликлар ва технологик тараққиёт каби муаммоларни ҳал қилиш учун фаол чоралар ва ҳамкорликдаги ҳаракатларни талаб қилади. Ҳукуматлар ва бозор иштирокчилари солиқ тизимида адолат, самарадорлик ва шаффофликни рағбатлантирадиган ечимларни амалга ошириш орқали

қимматли қоғозлар билан операцияларнинг мураккабликларини самарали ва самарали бошқариши мумкин.

4. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш қуйидагиларни инобатга олишни талаб этади:

-институционал инвесторлар фаолиятини кенгайтириш, эмитентлар бўйича чекловларни бартараф этишнинг солиқ дастаклари таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарур;

-давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари юқори ликвидли қимматли қоғозларини очиқ жойлаштиришга солиқ рағбатлари берилиши лозим;

-институционал инвесторлар сифатида банклар томонидан маълум чегаралар доирасида қимматли қоғозлар, хусусан акциялар билан муносабатларга рухсат бериш лозим;

-қимматли қоғозлар бўйича даромадларни фонд бозори аниқ йўналиш асосида изга тушиб олгунга қадар солиқлардан озод қилиш лозим;

-корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш орқали истиқболда инвесторлар ишончини қозониш, ундан кейин эса акциялар бозори кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони. – www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (2024). <https://lex.uz/mact/4674902>

4.J.Madura. Financial Markets and Institutions. 12th Edition. USA: Cengage Learning, 2018. – 784 p.

5. F.Mishkin, S.Eakins. Financial Markets and Institutions. 9th Edition. USA: Pearson, 2017. - 704 p.

6. Б.Рубцов. Современные фондовые рынки. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 926 с.

7.Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: новые горизонты. <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/4502-igor-butikov-rynoktsennyykh-bumag-uzbekistana-novye-gorizont>

8. Одилов А. Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўллари. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2021.-58 б.

9. Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини такомиллаштириш.йўналишлари. DSc илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2019.- 60 б.

10. Бозоров А.Р. Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2022. -54 б.

11. Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати -Т.: ТМИ, 2019. – 57 б.

12. Худойкулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. –Т.: ТДИУ, 2021.-60 б.

13. Беломытцева О.С. Оценка эффективности налоговых льгот для частных инвесторов на рынке ценных бумаг: методология и инструментарий. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.д.э.н. Новосибирск: 2022. - 57с..

14. Пробин П.С. Механизм налогообложения операций на рынке ценных бумаг и их совершенствование. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.к.э.н. М.: 2011.- 26 с.

15. Голояд А.Н. Зарубежнқй опыт налогообложения операций с ценными бумагами// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 304-308.

16. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aktsiya-uz/>

17. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири)2015 йил 3 июнь. <https://lex.uz/acts/2662539>